



Ислом Нури

- Парвардигоро, розиман,- дейди.

- Мана шу ва ўшанча, ўшанча, ўшанча ва ўшанчаси сеники,- дейди.
Беш баробар бўлганда:

- Парвардигоро, розиман,- дейди банда.

- Сўраганинг ва унинг ўн баробари сеники ҳамда кўнглинг тусаган ва кўзингга ёққан нарса сеникидир, дейди.

- Парвардигоро, розиман,- дейди банда.

Мусо алайҳиссалом:

- Эй Роббим, энг баланд мартаба кимларга берилади?- дедилар. Аллоҳ айтади: Шундай зотларга бериладики, уларни Мен Ўзим танлаб олдим, уларнинг кароматларини Ўз Қўлим билан экдим ва унга Ўзим муҳр қўйдим. У неъматларни кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ва инсоннинг кўнглига келмагандир,- деди. Бунинг тасдиғи Аллоҳнинг Китобидаги: **«Улар учун беркитиб қўйилган кўзлар қувончини** (яъни охират неъматларини) **бирон жон билмас»** (Сажда: 17) оятидир (Имом Муслим ривояти).

Шарх:

Жаннат неъматлари улкан, ундаги иззат-эҳтиромларнинг васфини келтириш имконсиз, унинг энг қуйи даражадаги кишиси дунё подшоҳларидан бир неча баробар азиз ва мукаррам бўлади.



Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Жаннат неъматларининг улканлиги;
2. Жаннат аҳлининг энг қуйи даражадагисига ато этиладиган неъматлар дунё подшоҳлари мулкига бир неча баробар бўлиши;
3. Аллоҳ фазлу марҳаматининг кенглиги.